



Вояга етмаган ёшлар маркази

Яқинда Андижон шаҳрида Вояга етмаган ёшлар маркази очилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган йилги шашар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Азаматжон Ташбеов олиб борди.

— Андижонликларнинг аjoyиб фазилати бор, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи Авазбек Сатто-

ров. — У ҳам бўлса, ҳар соҳада мамлакатда биринчи бўлишга астойдил интилишди. Бундай ташаббускорлик вилоят ИИБ тасарруфидоғи шахсий таркиб ходимлари ҳам ҳосидир. Қисқа фурсатда шундай қосонанинг барпо этилиши ва вояга етмаган ёшлар тарбиясига жиддий эътибор берилётганлиги фикримиз исботидир.

Авазбек Сатторов сўзининг якунида ИИБ номидан марказга сўнги русумдаги

компьютер жамламасини топширди. Ушбу марказ вояга етмаган ёшларга касб-хунар ўргатиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш билан шуғулланади. Марказ очилиши билан бу ерда тикувчилик, зардўзлик, дояндозлик, хунармандчилик тўғрисидаги иш бошлади.

СУРАТДА: Вояга етмаган ёшлар марказида. **С. АБДУҲАКИМОВ, А. РАҲИМОВ** (сурат муаллифи).

«Совпластитал»

Хоразмда

Урганч (ЎзА мухбири Т.ШАМАКОВ).

Хоразм вилояти марказида яна бир замонавий савдо корхонаси ишга тушди. Шаҳарнинг чеккаси — қадимги Хивага эл-тўвчи автомагистрал бошида пластмасса буюмлар фирма дўкони очилди.

Деярли барча жаҳон талабларига жавоб берадиган ушбу замонавий ихтисослаштирилган супермаркет «Машъал Савдо» маҳаллий хусусий фирмаси ва мамлакатимизда таниқли қўшма корхоналардан бири «Совпластитал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси ўртасидаги ҳамкорликнинг натижасидир. Ҳозир бу ерда жами мингга яқин турдаги халқ истеъмоли моллари — ошона идишлари, мебеллар тўплами, ювенил хоналари учун буюмлар сотува қўйилган.

Дўкoning очилиш маросимида Хоразм вилояти ҳокими И.Божонов иштирок этди.

Янги аъналар

Маҳалланинг бир куни

Ҳарбийлар ҳам маҳалланинг катта-кичик маданий-маърифий тадбирларида қатнашади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Дастлаб бўлинима вакиллари мардик ва матонатни ўзида мужассамлангирин машқларни маҳорат билан бажариб, тадбир иштирокчиларининг олқишига сазовор бўлдилар. Шундан сўнг фуқаролар йиғини раиси Хошимжон Дадахонов маҳалла посбони билан жўрликда қўшиқ куйлади. Маҳалланинг санъат иқлоомдари ижросида ашула ва ларларни янгради. Шунингдек, қизларнинг «келин саломи», маҳалла ёшлари ижросидаги инглизча, русча, ҳиндча, украинча қўшиқ ва

рақслар, айникса, барчага манзур бўлди.

— Шаҳримизда 79 та маҳалла мавжуд, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлими раиси Маматвали Турғунов. — Ҳар бирининг ўзига хос томонлари ҳам бор. Айтайлик, бирида бадиий ҳаваскорлик яхши ривожланган бўлса, иккинчисида хунармандчилик раванқ топган. Бошқасида эса тадбиркорлик жадал тараққий этаяпти. «Маҳалланинг бир куни» тадбирларида ана шу ўзига хосликлар алоҳида намойиш этилмоқда.

НУРМОНЖОН ДАРМОНОВ, КОМИЛЖОН ФАЙЗИЕВ.

ФЕРМЕР ВА ТАДБИРКОР

банк билан ҳамкор

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва янада қучурлаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида фермер хўжаликларига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу ҳол ўз навбатида жойларда банк хизмати кенгайтириш ва тақомиллаштиришни талаб этмоқда. Айникса, кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга йўналтирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятларини шакллантириб, тез йўлга қўйиб олишлари ва барқарор ривожланиб боришлари учун банк хизмати уларга бевосита ақиллаштириш, яъни асосий хизмат турларини жойларга кўчириш зарурати тобора кучлироқ сезилмоқда.

Республика акциядорлик-тижорат «Пахтабанк» ана шу давр талабини ҳисобга олиб, ўзининг вилоят ва туман бўлимлари тармоғини кенгайтириш, бевосита аҳоли истиқомат жойларига хизмат кўрсатадиган янги шохобчаларни очиб ва хизмат турларини кўпайтириш чора-тадбирларини қурмоқда. Банк бошқаруви раҳбариятининг давр талабига мос ана шундай савий-ҳаракатлари самараси ўлароқ кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва туман бўлимлари тармоқлари аниқ кенгайтириб, иқтисодий салоҳияти янада мустаҳкамланди. Бугунги кунда банкнинг Қорақалпоғистондаги бўлимлари сонин 17 тага етиб, уларда жами 7946 нафар миҳозга малакали банк хизмати кўрсатилмоқда. Ана шу доимий миҳозларнинг 44 фоиздан зиёди фермер хўжалиқларидир.

Банк бошқарувининг доимий амалий ёрдами билан Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси «Пахтабанк»нинг энг йирик бўлимларидан бирига айланди. Эндиликда у республика ҳукумати қарорлари ва бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни деҳқон ва фермер хўжалиқлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратмоқда. Масалан, бугунги кунда банк умумий кредит портфелининг 51,9 фоизини ана шу тоифа миҳозларга ажратилган кредитлар ташкил этади. Кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни

қорвачиллик фермасини ривожлантириш учун икки йил муддатга 3 миллион сўм кредит берган эди. Бу маблағ ҳисобига фермер хўжалиғи қорамоллар сотиб олди ва ем-хашак базасини мустаҳкамлади. Қўшимча 7 та ички ўрни очилди. Бошламасига қорвачилликдан 467 минг сўм, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари этиштиришдан 713 минг сўм даромад олди. Олган кредити ҳамда унинг устама фойзаларини эса, ойма-ой қайтармоқда.

Қорақалпоғистон бошқармаси фермер хўжалиқларига ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кредитлар ажратилган шунчаки оила-даромад манбаига эга бўлишини таъминлади. «Мақсуд» фермер хўжалиғи банкнинг Беруний тумани бўлими билан шартнома тузиб, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағидан 10 миллион сўм кредит олди ва аниқ мақсадга, яъни нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳақ учун керакли ускуналар сотиб олди. Натижанда қўшимча 8 та ички ўрни очилди. Фирма банк кредитининг устама фойзаларини шартномада белгиланган тартибда тўлаб келмоқда.

Бугунги кунда фермер хўжалиғи 30 гектар экин майдонига эга бўлиб, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари этиштириш билан бирга қорвачиллик тармоғини ҳам ривожлантириб бормоқда. Утган йилги мавсумда у 12 миллион сўм даромад олди. Банкнинг Бўстон бўлими ўз маблағи ҳисобидан «Пахтачи» фермер хўжалиғига



ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

MAKBOIL
ООО «МАКВОИЛ»
короткорезанные и длиннотрубчатые
МАКАРОНЫ
В АССОРТИМЕНТЕ
Форма оплаты - любая
Тел.: 8 (371) 161-15-93, 109-38-23, 188-98-28, (3712) 72-97-15.
Цертифицирован

UZDUNROBITA first cellular
DOIMO ALOKAДА БУЛИНГИ!
34 давлатларда халқаро роуминг
«Уздунробита GSM» тармоғининг навбатдаги кенгайтиши!
Янги алоқа тармоғи Ўзбекистоннинг Янги-Нишон, Қамати ва Шўртан шаҳарларида (Шўртан Газ Кимё Комплекси) ишламоқда.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Давлат	Оператор
Озарбойжон	AzerCell, Bakcell
Албания	Vodafone
Арманистон	ArmenTel, Karabakh Telecom
Белорусь	MTS
Болгария	Globul, MobilTel, EAD
Венгрия	Pannon GSM, Vodafone
Буюк Британия	O2, Vodafone
Голландия	T-Mobile
Гонконг	Peoples, Hutchison Telecom
Греция	Vodafone, Q-Telecom
Грузия	Geocell, Magticom
Дания	TDC Mobil
Исроил	Cellcom, Partner Communication, Spice Communications, BPL, Hutchison Essar
Ҳиндистон	Landssiminn, Telefonica
Исландия	TIM, Vodafone
Испания	K-Cell, CYTA
Италия	Кипр, BITEL GSM
Қозғоғистон	Кипр, BITEL GSM
Киргизистон	Latvian Mobile Telephone
Латвия	Omnitel
Литва	P&T
Люксембург	Moldova, Voxtel
Молдова	Era
Польша	CenterTel
Россия	Beeline, MTS, Megafon, NCC, Primtelevon, Ermak RMS, ZAO Smarts
Словения	Mobitel
АҚШ	AT&T Wireless Services
Туркия	Turkcell, Telsim, IS TIM - Arla
Украина	Kyiv Star, UMC
Черногория	Monet
Чехия	T-Mobile
Швейцария	Orange, Swisscom, Sunrise
Шри-Ланка	MTN

